



ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Самарқанд осмонга бўйляпти



Президентимиз 2019 йил 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Самарқанд шаҳри учун Қорасув массивидан ажратилган 50 гектар майдонда қисқа фурсатда бунёд этилган элликка яқин уй-жойлар билан танишган ва шаҳарчани янада кенгайтириш, замонавий кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари қурилишини давом эттириш юзасидан топшириқлар берган эди.

Ана шу ташаббус асосида вилоятнинг бир қатор туманларида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилди. Урганч ва Тойлоқ туманларида эса Самарқанд шаҳридаги каби 12, 14, 16 қаватли уйлар қурилиши бошланди.

Жумладан, Тойлоқ тумани марказидан 6 гектар ер майдони ажратилиб, 2 минг хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй, хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуалари қуриш бўйича лойиҳа тасдиқланди. 2019 йилнинг ўзида 6 та 12 қаватли уй қурилиши бошланиб, аynи пайтда бу уйларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Урганч туманида эса Мерганча маҳалласи ҳудудида 20 гектар ер майдони «Янги Урганч маскани» барпо этиш учун ажратилди. Бу ерда ҳам ўтган йили август ойида 6 та 12 қаватли уй қурилиши бошланган эди ва бугун ушбу янги хонадонларга аҳоли кўчиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Шунингдек, ҳудудда «Agromir bildings» компанияси томонидан хориж технологияси асосида монолит усулида барпо этилиши режалаштирилган 12, 14, 16 қаватли турар жойлар қурилиши қўллаб-қувватланган эди.

Уша куни вилоят фаоллари билан учрашувда ҳам ҳудудларда уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш

бўйича фикрлар билдирилди, аҳолининг муножаатлари эшитилди. Бунга жавобан Президентимиз Самарқанднинг ҳар бир қарич ери қадрли, тупроғи унумдорлигини таъкидлаб, бу ерлардан самарали фойдаланиш, вилоятда кўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш зарурлигини қайд этган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2020 йил 19 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлади.

Ялпи мажлис видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилади.

БУГУНГИ СОНДА:



ЮНУСОБОД МЕТРО ЙЎНАЛИШИ 2-БОСҚИЧИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

3



ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН МАЙДОНИДА БОЛАЛАР ОРОМҒОҲИ ОЧИЛДИ

4

АКЦИЯ

Жонажон юртим ободлигига ҳиссамни қўшаман

Қаровчисиз кекса онахоннинг уйи фоят абгор аҳволга келиб қолганди. Маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб, онахоннинг уйини кўркам, файзли ҳолатга келтиришди.

Азалдан халқимиз ҳовли-жойларни озода, саранжом ҳолатда сақлашга одатланган. Ҳовли-жойли маҳаллаларда эрта тонгдан қизлару келинларнинг кўча-кўйларни чинидек супуриб, сув сепиши наинки ён-атроф, балки хира кўнгилларга ям равшанлик бағишлайди. Афсуски, кейинги йилларда айрим кўп қаватли уйларда ҳар тарафга ахлат халталарни улоқтириш, ён-атроф тозаллигига эътибор бермасликдек ҳолат кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, турар жойларни саришта сақлашдек анъаналаримизга чет элликлар ҳар қанча қойил қолса, тасаннолар айтса арзийди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бошланган «Жонажон юртим ободлигига ҳиссамни қўшаман» шiori остидаги эзуғу акция юртимиз бўйлаб тобора кенг қўлоқ ёзмоқда. Унинг доирасида хонадонлар ва кўчаларда 2020 йил июнь-август ойларида амалга оширилаётган ҳаракатлар режаси бўйича «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тамойили асосида хонадонлар, кўчалар ва маҳаллалар янада обод ҳамда кўркам қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида мавжуд 11 та туман, 514 маҳалла фуқаролар йиғинида секторлар бўйича ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ва ҳомийлар томонидан 48 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқаро хонадони таъмирлаб берилди.

Кўп қаватли 27 та уй йўлаклари таъмирланмоқда. Мавжуд томорқа ва иссиқхоналар хатловдан ўтказилиб, нуруний, якка-ёлғиз кексаларнинг томорқаларида ҳашарлар уюштирилмоқда. Тошкент шаҳридаги 73 та қабристон ва зиёратгоҳ ободонлаштирилмоқда.

Чилонзор туманидаги «Ботирма» ва «Баҳористон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам обод гўшага айлантилмоқда. «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тадбирлари ташкил этилиб, жамоат ишларига жалб қилинган ишчилар ва аҳоли томонидан кўчалар, кўп қаватли уйларнинг атрофи тозаланди. Йўллар четига гул кўчатлари, очиқ майдонлар ва қаровсиз ётган ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар хил дарахт кўчатлари ҳамда бир неча турдаги сабзавотлар экилди.

Бу каби тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида барча маҳаллалар янада обод манзилларга айланиб бормоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида «OLMAZOR BUSINESS CITY» лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда



Олмазор туманида «OLMAZOR BUSINESS CITY» лойиҳасида Туркиянинг «Ozun Tashkent Construction» ХК МЧЖ Туркиянинг «Mesa mesken» компанияси билан шерикчиликда замонавий ишбилармонлик маркази қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 135 млн АҚШ долларини ташкил этиб, объектнинг умумий майдони 23,5 гектардан иборат, шундан қурилиш майдони 4 гектар, 16 гектар кўкаламзорлаштириш майдони ва 3,4 гектари канал атрофини ободонлаштириш майдони бўлиши кўзда тутилган ва амалга оширилмоқда.



Лойиҳанинг муҳим хусусиятлари:

- ➔ лойиҳада DEEP MIXING (свая) замонавий усқундан фойдаланилади;
- ➔ инвестор 50 йиллик халқаро тажрибага эга бўлган Туркиянинг «Mesa mesken» компанияси;
- ➔ Туркия давлатидан 80 та, маҳаллий мутахассислардан 1000 нафари жалб қилинган;
- ➔ уйларнинг ташқи девор қисми учун базальт иситиш қопламасидан фойдаланилмоқда;
- ➔ энг юқори тезликда ишлайдиган «MITSUBISHI» русумли лифтлар ўрнатилди;
- ➔ хонадонларда алоҳида иситиш мосламаси ўрнатилган;
- ➔ хонадонлар аҳолига тайёр, таъмирланган ҳолатда топширилади.



Лойиҳадаги турар ва нотурар жойлар:

Кўп қаватли турар жойлар сони: 28 та уй, 2100 та хонадон, 70 та савдо дўкони. Шундан:		
9 қаватли	17 та уй	894 та хонадон
12 қаватли	4 та уй	288 та хонадон
13 қаватли	2 та уй	148 та хонадон
18 қаватли	4 та уй	560 та хонадон
30 қаватли	1 та уй	210 та хонадон
300 ўринли	1 та боғча	
500 ўринли	1 та мактаб	
15 000 квадрат метрдан иборат савдо мажмуаси	1 та	



Қурилишнинг бошланиш вақти: 2019 йил февраль.
Қурилишни тугаллаш вақти: 2021 йил декабрь.

САМАРҚАНД ОСМОНГА БЎЙЛАЯПТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚИШЛОҚДАГИ ШАҲАРЧА

Ҳа, бугун Мерганча янги, замонавий уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилган замонавий шаҳарча кўринишини олган.

— Шу қишлоқда туғилиб ўсганман, маҳалламизда қайси оила қандай ҳаёт кечирганини яхши билман, — дейди Ургут туманидаги «Мерганча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўйчи Муродов. — Тўғриси, авваллари ҳам қишлоғимизда ўзига тинч, тўқ оилалар бўлган, лекин ҳозиргидек замонавий уй-жойлар қаёқда эди. Одамлар уй-жой қуришга ҳам кўрқарди. Чунки уйни пишиқ ёшдан курсангиз, «ғиштин қаердан олдин?», томи тунуқа билан ёлсангиз «бунинг пулини қаёқдан топдинг?», деган сўроқлар бўларди. Шу сабабли одамлар уй-жойга қарашга ҳафса қилмаган ёки бунга имкониёти бўлмаган. Жуда орзу-ҳавас қилган одам ҳам ошиб борса «болохонадор уй қуради, холос. Буюм қишлоқда санокли бўларди.

Қишлоғимизда 2013 йилда ilk бор намунавий лойиҳа асосида уйлар қурилиб, аҳолига имтиёзли кредит асосида берилганда кўпчилик ишончсиз қаради, ҳавас қилса-да олишга шошилмади, — сўзига давом этади маҳалла раиси. — Бир-икки йилдан кейин эса бу уйларга талабдорлар кўпайди, туманимизнинг турли ҳудудларидан одамлар кўчиб кела бошлади. Кейин, 2017 йилдан икки сотихли арзон уйлар қурилди, 2018 йилдан эса уч қаватли уйлар бунёд этилди. Шу тарзда ўша йили 4 та, ўтган йил 7 та кўп қаватли уй барпо қилиниб, 240 оила кўчиб келди. Бу йил яна 48 хонадонли 2 та тўрт қаватли уй қуриляпти. Икки-уч ойда бу янги хонадонларга уй-жойга эҳтиёжманд оилалар кўчиб келади. Коттежларимиз ҳам 400 тага яқинлашиб қолди. Шу пайтгача маҳалламизда 295 хўжалиқда 2 минг 200 нафардан ортқ аҳоли яшаган бўлса, энди хўжалиқлар сони ва аҳоли қарий икки баробар ошди. Ўтган йил ҳудудимизда 12 қаватли уйлар қурилиши бошлангач, Мерганчани одамлар қишлоқ демаляпти, «Ургут сити» деб аташапти. Ана шу янги «сити»да 10 ойда 6 та 12 қаватли, 336 хонадон-

ли уйлар қурилиб, бугун кўрган кўзни қувнатмоқда. Бу уйларда ҳаёт кечирилиши таъриф тавсифини мен айтсам, муболага дейсиз, яшаётганлардан сўрасангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

12-ҚАВАТТА 25 СОНЯДА ЧИҚИШ МУМКИН

Ургут тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Нодир Шодиев ҳамроҳлигида «Ургут сити»даги янги уйларни бориб кўрдик.

— Туманимиз марказида шу пайтгача ҳам кўп қаватли, яъни 4-5 қаватли уйлар бор эди, — дейди Нодир Шодиев. — Ўтган асрнинг 80-90-йилларида қурилган бу уйларда, афсуски, кейинги йилларда табиий газ, иситиш тизими, сув таъминоти ва бошқа коммунал хўжалиқ масалаларида муаммолар юзга келаргач, «квартира»лардан одамларнинг ҳафсаласи пир бўла бошлаган эди. Ўзимизга ҳам кунда-кунора шу уйлар билан боғлиқ кўп-



лаб мувожаатлар бўларди. Шунинг учун Мерганчада 12 қаватли уйлар қурилади, деган гап чиққанда, қурилиш ишлари бошланганда ҳам ургутликлар бу уйларга унчалик қизиқиб билдирмади. Мана энди бугун, янги, замонавий уйларга одамлар кўчиб келиб, яшай бошлагач, бу хонадонларнинг қўлайлиги ва имкониётларини кўргач, қарашлар ўзгаряпти.

— Илгари кўп қаватли уй қуриш учун ер қазилиб, бир йил пойдевор қўйишга ҳозирланган, — деб сўхбатга қўшилди мазкур объект қури-



лишига масъуллардан бири Самад Қурбонов. — Кейин яна бир неча йил қурилиш давом этган. Бугун эса қурилиш технологиялари ўзгарди. Уй қуриш учун бир неча йил куттиш шарт эмас. Биз қураётган кўп қаватли уйларни қуриш учун биринчи навбатда, худуднинг кейинги 50 йиллик сейсмик ҳолати ўрганилади. Бу ерда неча баллгача зилзила бўли-

жуда иссиқ бўлишига қарамай уйни иссиб кетмаган. Зах ёки бошқа нохушликлар сезилмайди. Хоналар кенг, ёруғ. Эшик ва деразалар замонавий материаллардан тайёрланган, сифатли. Ошхона, ҳаммом зарур жиҳозлар билан таъминланган. Уйнинг саккизинчи қаватида яшовчи оила бекаларининг айтишича, хонадонга кондционер қўйишга эҳтиёж йўқ. Кундузи ҳам, тунда ҳам ҳаво ҳарорати меъёрида.

— Бугунги кунда туманимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг энг самарали йўли — кўп қаватли уйлар экан, — дейди Н. Шодиев. — Сабаби, биласиз, Ургутда аҳоли кўп, лекин ер майдонимизнинг ҳар бири қаричи ҳисобли. Агар аҳоли эҳтиёжи учун бир қаватли хўли-жойлар қуришда давом этсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида, демакки, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда кейинчалик муаммолар келиб чиқиши мумкин. Кўп қаватли уйлар эса бу борада самарали ечим. Биргина мана шу массивнинг ўзидagina 20 дан ортқ 12, 14, 16 қаватли уй қурилиши давом эттирсак, юзлаб оилаларимиз ўз хонадонига эга бўлади. Уйлар билан бирга бу ерда таълим ва тиббиёт мусассалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари қурилади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, яқин йилларда Мерганча ҳақиқатдан ҳам замонавий шаҳарча бўлади.

16 ҚАВАТ ЗАБТ ЭТИЛГАН, НАВБАТ 22, 30 ҚАВАТЛИ УЙЛАРГА

Шу пайтгача Самарқанддаги энг баланд бинолар 12-15 қаватни ташкил этган. Яъни, вилоят ҳокимлигининг кенгашлар уйи ва Сўғдиёна масканидаги битта кўп қаватли уй 12 қаватдан иборат бўлган. Гагарин кўчасида илгари меҳмонхона сифатида фойдаланилган ва кейинчалик реконструкция қилиниб, уй-жойга мослаштирилган бино эса 15 қават бўлган. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида фойдаланишга топширилган бу бинолар ҳам бир неча йиллар давомида бунёд этилганини катта гапирди вақтларда ҳали ҳануз эслаб авлодилади.

Аммо бугун Самарқанд шаҳрини жаҳон туризм масканларидан бирига айлантириш борасида муайян дастурлар асосида иш олиб борилаётган экан, қадимий кентнинг

тарихий худудига кўп қаватли уйлар қурилишига эмас, аксинча мавжуд биноларнинг қадимий, шарқона архитектурасини сақлаб қолиш, уларни туристик объект сифатида сайёҳларга кўрсатишга эътибор қаратилмоқда. Осмонўпар уй-жойлар, замонавий бино ва иншоотлар эса шаҳарнинг тарихий қисмидан четда бунёд этилмоқда.

Биргина Самарқанд туманининг Қорасув массивидан Самарқанд шаҳри учун ажратилган 100 гектарлик майдонда яқин йилларда юз минг, кейинчалик эса бир миллион аҳоли яшайдиган замонавий шаҳарча қуриломоқда. «Обод маскан» деб ном олган мазкур худудда 2018 йилдан бунёд 100 дан ортқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Уларнинг йигирмадан ортқи 12, 14, 16 қаватли бинолардир. Бу борада бой тажриба тўплаган «Agromir buildings» корхонаси жорий йилда 48 та ана шундай осмонўпар уйни бунёд этмоқда.

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси эса 3 та 16 қаватли уй буюртмачиси ҳисобланади.

— Шу пайтгача ҳам мазкур массивда беш-етти қаватли уйлар қуришга, — дейди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг Самарқанд вилояти бўйича назоратчиси Шерзод Аҳмедов ўша муҳбири Гўлиб Ҳасанов билан сўхбатда — Лекин 16 қаватли бу уйлар ўзининг қурилиши, дизайни, яратилган қўлай шароитлари, энг муҳими ўзига хос қурилиш технологияси билан ажралиб туради. Яна бир эътиборли томони, ўтган йил қурилган кўп қаватли уйларимизда хонадон ичи баландлиги 2,7 метрни ташкил этган бўлса, бу йил 3 метр қилиб қуриломоқда. Бу нозик дидли кишилар талабига ҳам жавоб беради, дегани. Эътиборлиси, бу 240 хонадон уй-жойга эҳтиёжманд аҳолига имтиёзли кредит асосида берилди.

Дарвоқе, яна бир маълумот. Эндилкида ушбу массивда 22 қаватдан 30 қаватгача бўлган уй-жой биноларини қуриш режалаштирилмоқда. Демак, Самарқандда 16 қаватли уй ҳозирча, энг баланд бино. Лекин яқин орада бу марра янада юксалади. Бу ўринда гап бинонинг қанчалик баландлигида ҳам эмас, балки аҳоли турмуш даражасининг юксалиб, замонавий, ҳар томонлама шинам ва қўлай хонадонларда яшашга интилишининг кучайиб бораётганида.

«Сайқали рўйи замин» сифатида жаҳонга ном таратган қадимий ва ҳақиқатан навқирон Самарқандни янада сервиқор, қўркам ва обод шаҳарга айлантириш учун қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда, изланишлар олиб борилмоқда.

Сайқал топаётган гўша

Зеро, дунё нигоҳидаги кентни томоша қилиш, бу муқаддас заминда жойлашган бетакрор тарихий обидалар, осори атиқаларни зиёрат қилиш, улар мафтункорлиги, жозибасидан баҳра олиш учун ҳар куни минг-минглаб чет эллик сайёҳлар, кўплаб юртдошларимиз бу ерга ташриф буюришади.

Табаррук масканга қадам босган меҳмонлар мазий ёдгорликларини кўздан кечирибгина қолмай, одамларнинг турмуш тарзи, замондошлари амалга ошираётган яратувчилик, бунёдкорлик ишларини ҳам кўришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйиши ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун эса шаҳарнинг ҳар бир гўшаси туризм марказига хос қиёфага эга бўлиши гоёт муҳимдир. Жумладан, кўча ва майдонлар, хиёбонларни тоза, саранжом-саришта сақлаш, йўл-калар четларининг гулу гулзорга айланиши, биноу иншоотлар чиройли меъморчилик анъаналарига мос тушиши, хуллас, рисоладагидек қиёфа касб этиши зарур. Бизнинг ташкилот бундан бир йил муқаддам ана шундай эзу ишларни рўйга чиқариш ниятида ташкил қилинган эътиборга сазовордир.

Ҳодимларимиз ўтган давр мобайнида ўз зиммаларига юклаган вазифаларни бекам кўст бажариш учун тинимсиз жонбозлик кўрсатиб ишлаётганликларини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар қисқа фурсат орасида шаҳарда қурилиш, ободлаштириш бўйича амалга оширилган барча юмушларни ўз назоратида олишга улгурдилар, десам хато бўлмас. Бирорта корхона, ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектилари мўлжалланган мuddатларда фойдаланишга топширилиши, қурилиш ишлари меъёрий қоидаларига мувофиқ тушиши, амалдаги қонунларга риоя қилинган ҳолда бугунги талабларга жавоб бериши улар назаридан четда қолган эмас.

Айни пайтда қўтлуғ заминда Шарқ меъморчилиги ва замонавий дизайн ютуқларини ўзида мужасам этган, кўҳна тарихий ёдгорликларга уйғунлашган янги-янги бинолар қад ростлашда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини ҳақли равишда фахрланаман. Турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар билан бир қаторда, темирйўл, метро линиялари, йўл ва шосселар, кўприк ва туннеллар қуриш, сув иншоотлари ва бошқа коммуникация тармоқларини бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Вазирил Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалар қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, аниқланган ноқонуний қурилишларни бартараф этиш, шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши назоратини ташкил этиш соҳасидаги техник бошқарувлар бўйича тақлифлар киритиш ҳамда меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда қатнашиши, ҳусусий сектор эгалари, тадбиркорларга қўмақлаштириш фаолиятимизнинг бош мезони ҳисобланади. Шу ўринда бир мисол, йил бошидан бунёд ноқонуний қурилишларни бошлаган айрим кишиларга нисбатан жиноят иши очилган бўлса, юздан зиёд ҳақшаҳарларга лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатдик.

Биз жорий йилда яна бир ташаббусга қўл урдик. «Обод маскан» маҳалласи худудида 5 та 9 қаватли уй-жойни ўз кучимиз билан қуриб, фойдаланишга топширишга бел боғладик. Аҳамиятлиси шундаки, режалаштирилган хонадонлар биринчидан арзон, шинамлиги билан ажралиб турса, иккинчидан сифатлиги билан қолган иморатлардан фарқ қилмоқда. Бошқача айтганда, ҳаммасларимизга ўз куч, салоҳиятимизни кўрсатишни кўнгулга тугганмиз. Хуллас, дирекциямиз олдида улкан вазифалар турибди. Уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб, бетакрор шаҳримизнинг янада жозибдор бўлишига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз, деган умиддаман.

Ботир НОРМУРОДОВ,
Самарқанд шаҳар «Капитал қурилиш дирекцияси»
Давлат корхонаси директори.



Туризм ривожини — иқтисодий таянч

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш орқали юртимиз иқтисодий таянчига қўриқларга кўтариш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ҳусусан, Давлатимиз раҳбари томонидан туризмни иқтисодий стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2020-2022 йилларда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, туризм соҳасидаги чет эл инвестициялари ҳисобига меҳмонхоналар қурилиши ва реконструкцияси, санаторийлар, соғломлаштириш комплекслари, спорт-рекреация зона-

ларини яратишга қаратилган умумий қиймати 904,6 млн АҚШ долларилар 40 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йил 1 июнь ҳолатига мазкур лойиҳаларда 38,3 млн АҚШ долларилар хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 2020 йилда қиймати 151,1 млн АҚШ долларига тенг бўлган 1 981 ўринли 17 та лойиҳани якунлаш ва 840 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. COVID-19 коронавирус пандемияси муносабати билан эълон қилинган карантин даврида туристик объектларда қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилган бўлса-да, ҳозирги кунда у ишлар яна жадаллик билан бошлаб юборилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида худудларни ободлаштириш, мамлакатимизга хорижий сайёҳлар оқимини кенгайтириш, уларга зарур ва қўлай бўлган шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу борада замонавий, барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган туристик объектларнинг барпо этилиши жуда муҳим. Биргина меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича республикада умумий қиймати 1 398 млрд сўмлик ва 240 млн АҚШ долларли миқдордаги 11 270 ўринга эга 172 та меҳмонхоналарни қуриш мўлжалланган. Шундан, 2019 йилда 141 та ва 2020-2021 йилларда 31 та меҳмонхона қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда. 2019 йилда 141 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 2,5 млн АҚШ долларилар ва 240 млрд сўмлик жами 39 та меҳмонхона қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда умумий қиймати 36,3 млн АҚШ долларли ва 536,4 млрд сўмлик жами 50 та лойиҳада катта қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

«Олтин ҳалқа» концепцияси асосида Ташкент вилояти худудида туризмни ривожлантириш, янги туристик объектларни барпо этиш, бу орқали янги иш ўринларини яратиш, натижада аҳоли фаровонлигига ҳисса қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Айнан меҳмонхоналарни ташкил этиш борасида вилоятда умумий қиймати 663 млрд сўмлик жами 45 та меҳмонхона қуриш мўлжалланган. Шундан, 43 тасини жорий йилда ва яна 2 тасини эса 2021-2022 йилларда барпо этиш режалаштирилган.

Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан республикамиз худудлари бўйлаб жорий йилда 43 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, ҳозирда умумий қиймати 140,7 млрд сўмлик жами 9 та меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг яна 32 тасида бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Йил якунига қадар бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилиб, аҳоли иштирокида топширилади.

Шу билан бирга, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирил Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилда худудий дастурларни амалга ошириш ҳисобига туристлар учун жойлаштириш воситалари, яъни меҳмонхоналар, кемпинглар, меҳмон уйлари сонини 2 100 тага етказиш ва ушбу объектларда 50 мингдан зиёд хона ташкил қилиниши кутилмоқда.

Бугунги кунда музей ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига ҳисса қўйиши баробарида юртимизнинг туризм салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Маҳаллий ва хорижий туристларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, туристлар учун қўлай инфратузилма яратиш муҳим вазифалардан биридир. Худудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида буюк ва навқирон ўтмишимиз, тарихимизни намоён этувчи очиқ осмон остида-

ги музей-шаҳарлар ташкил этиш, янги объектларни қуриш, юртимиздаги тарихий обидаларни асраш, уларнинг қадимийлигини сақлаш орқали қайта реконструкция қилиш, аиниқса, музей ва театрлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикасида музей ва театрларнинг маркетинг фаолиятини самаралантириш ишлари тўғрисида»ги қарори маҳаллий ва хорижий туристларнинг ташрифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитишга ва кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Унга кўра, «Жонли музей» ва «Муҳташам театр» лойиҳалари амалга оширилди.

Нарғиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

ЮНУСОБОД МЕТРО ЙЎНАЛИШИ 2-босқичда бунёдкорлик ишлари якунланди

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларига қулай шароитлар яратиш, сифатли транспорт хизмати кўрсатиш қамровини ошириш ҳамда дунёнинг ривожланган давлатларидан қолишмайдиغان замонавий метрополитен тизимини шакллантириш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Буни Юнусобод метро йўналишидаги узунлиги 2,9 километр бўлган «Туркистон» ва «Юнусобод» метро бекатларининг қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишлари нихоясига етказилиб, «Шахристон» бекатига улангани мисолида кўриш мумкин.

2016 йилнинг декабрида Юнусобод линиясининг битказилмай қолган худудида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприкқурилиш трест» давлат унитар корхонаси томонидан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган эди. «Тошкент метро лойиҳа» масъулияти чекланган жамия-

ти лойиҳаси асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг умумий қиймати 103,8 миллион АҚШ доллари мқдориди маблағни ташкил этади.

Ушбу лойиҳа доирасида ер ости туннель қисмининг бургулаш ишлари Марказий Осиёда илк бор Германия технологияси асосида бажарилди. Механизациялаштирилган комплекс ёрдамида дастлаб объектда қазил ишларига катта эътибор қаратилди. Метро линиясининг ушбу бекатларини барпо этишда сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилиб, иншоотнинг мустақамлиги таъминланди. Қурилиш майдонида

юқори сифатли темир-бетон тубинглар ўрнатилиб, ҳар бир бекатларда комплекс равишда монолит бетон услуби самарали қўлланилди.

Ҳозирда қурувчи-мутахассислар томонидан ер ости туннель қисмида бургулаш ишлари якунига етказилиб, линия «Шахристон» бекатига уланди. Туннель қисмининг ўнг ва чап йўналиши бўйича электр ва алоқа кабеллари тортиш ишлари олиб борилиб, объектдаги «Туркистон» ва «Юнусобод» метро бекатларида қурилиш-монтаж ва пардозлаш, бекатларнинг 4 томони пидедалар ўтиш йўлакларига эса қурилиш ишлари якунига етказилди. Бекатлар ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материаллари билан безатилди.

Қурувчилар томонидан имконияти чекланган, кўзи ожиз йўловчилар учун ҳам бекатлар платформасида қулай ва хавфсиз худудлар барпо этилган. Бу ерга махсус бўртиб чиққан тактил плиткалар ётқизилган бўлиб, улар йўловчиларга поезд вагонларига чиқишда қўшимча



хавфсизлиқни таъминлаш имконини беради. Бекатлар ногиронлар аравачаси билан кириб чиқишда фойдаланиладиган замонавий қияли электромобиль аравачалари билан жиҳозлангани имконияти чекланган йўловчиларнинг зиналардан ҳаракатланишида янада қўшимча қулайлик яратади.

Кейинги йилларда йўлсозларимиз ва хорижлик соҳа ходимлари ўртасида ўрнатилган узвий алоқалар самарасида объектларнинг пишиқ ва мустақамлигига эришилмоқда. Тошкент метрополитени Юнусобод линияси қурилишининг 2-босқичида Германия ҳамда Италия давлатларининг жаҳонга машҳур корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш техникаларидан унумли фойдаланилди. Марказий Осиёда ягона бўлган 2 та 220 тонналик юкни кўтариш қувватига эга бўлган занжирли кран, 3 та

70 тонналик юқори аниқликдаги, яъни телескопик автокранлар эксплуатация қилинди. Шунингдек, ишлаб чиқариш қуввати соатига 20 ва 40 куб метрни ташкил этувчи мобил бетон заводлари, металлпрокатта ишлов берувчи 14 та қурилма, 350 тонна юкларни ташувчи мураккаб функцияли автоулов ҳамда қурилиш қозққларини ўрнатишга мўлжалланган бургулаш ускуналаридан ер ости бекати ҳамда линияларини барпо этиш жараёнида кенг фойдаланилди.

Бекатлар ўзига хос кўркам дизайнга эга бўлиб, уларнинг ички пардозлаш ишлари Тошкент метрополитенининг ҳеч бир бекатидаги кўринишга асло такрорламайди. Ер ости йўлидаги қулайлик ва ташқи кўриниш, уларнинг архитектуравий қиёфаси, меъморий усуллардан самарали фойдаланиш жараёнида катта эътибор қаратилган.

Эндиликда Юнусобод метро линиясидаги бекатларнинг умумий сони 8 тага етказилди. Туманинг Аҳмад Доғиш кўчасида барпо этилган «Туркистон», «Юнусобод» ҳамда мавжуд бўлган «Шахристон», «Бодомзор», «Минор», «Абдулла Қодирий», «Юнус Ражабий», «Минг ўрик» метро бекатлари аҳли ихтиёрида. Янги қурилган ушбу йўналиш «Юнус Ражабий» бекатидан Чилонзор йўлининг «Амир Темур», «Минг ўрик» бекатидан эса Ўзбекистон йўлининг «Ойбек» бекати билан тўташтирилган. Маълумотларга кўра, ушбу линиянинг янги бекатлари фойдаланишга топширилган, бир кунда «Юнусобод» бекатида қўшимча 5 минг йўловчига, «Туркистон» бекатида эса 2 ярим минг нафар йўловчига хизмат кўрсатилади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич қиймат сўм, ҚҚС билан	Қурилиш ишларини тугаллаш муддати
1.	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида жойлашган ақли заиф ва имконияти чекланган 11-сон мактаб-интернати реконструкция қилиш (замонавий ошхона, устахона, мажлислар зали ва ҳожатхона биноларини қурилиши ҳамда мавжуд мактаб биноларини капитал таъмирлаш)	2 765 129 397	90 кун
2.	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 32-сон умумтаълим мактаб биносини реконструкция қилиш (120 ўринли ўқув блоки қурилиши)	2 159 389 952	90 кун
3.	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 24-сон умумтаълим мактаб биносини реконструкция қилиш (150 ўринли ўқув блоки қурилиши)	1 605 394 738	80 кун
4.	Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги 27-сон умумтаълим мактаб биносини капитал таъмирлаш	6 049 096 964	140 кун

Буюртмачи: Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефон/факс: 71-241-15-26, 71-241-15-37.

Электрон манзил: toshkonsaltingtorg@bk.uz

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Таклиф (оферта)лар очилиши <https://dxarid.uz> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Хоразмсувқурилиш инвест» ДУК
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Хива шаҳри атрофидаги «Гавуял буйи-2» коллекторини реконструкция қилиш	330 791 909	150
2.	Хоразм вилояти, Хива шаҳри атрофидаги «Помидокул» коллекторини реконструкция қилиш	1 142 160 809	300

Буюртмачи: «Хоразмсувқурилиш инвест» Давлат унитар корхонаси.

Манзили: Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 2-«а» уй.

Тел.: 62-22-3-35-49.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг то-

вар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй. **Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 25 июнь кунни, соат 10.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 25 июнь кунни, соат 10.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 2-«а» уй.

Эълон dxarid.uz сайтыда берилган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хива тумани, «Панамахсим» МФЙдаги ичимлик сув тизимларини қуриш, 120 ўринли 22-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	1 350 351 898	150

Буюртмачи: «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси.

Манзил: Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 24 июнь кунни, соат 16.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уйда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 25 июнь кунни, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хоразм вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, Питнак шаҳридаги мавжуд ҳокимият биносини реконструкция қилиш	6 974 248 582	180

Буюртмачи: Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Тел.: 62-22-3-09-29.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 2 июль кунни, соат 16.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уйда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 2 июль кунни, соат 16.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти филиали
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Янгибозор тумани, «Наврўз» МФЙда 120 ўринли 22-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2 876 603 135	160
2.	Кўшқўпир тумани, «Хосиён» МФЙда 120 ўринли 24-сонли мактабгача таълим ташкилотини филиалини реконструкция қилиш	2 837 497 894	160
3.	Кўшқўпир тумани, «Ёшлик» МФЙда 150 ўринли 22-сонли мактабгача таълим ташкилотини филиалини реконструкция қилиш	2 800 612 654	160
4.	Янгиариқ тумани, «Остана» МФЙда 120 ўринли 16-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2 877 848 843	160
5.	Шовот тумани, «Арбек» МФЙда 120 ўринли 14-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2 996 217 241	160
6.	Урганч тумани, «Орзу» МФЙда 150 ўринли 3-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 562 039 965	160
7.	Урганч шаҳар, «Ал-Хоразмий» МФЙда 150 ўринли 41-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 494 025 831	160

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 2 июль кунни, соат 17.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб Урганч шаҳри, Ёшлик кўчаси, 24-уйда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 3 июль кунни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) лари бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли

касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжат-

лари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй. **Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Эълон dxarid.uz сайтыда берилган.

